

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

Одилжон Сулайманов

**ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ХУҚУҚИЙ
ЎРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Ўқув-услубий қўлланма



Тошкент – 2017

УЎК 341.232.3

ББК 67.412

Ў-89

Мазкур ўқув-услугий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази Ўқув-услугий кенгашининг 2017 йил 20 сентябрдаги мажлиси қарорига асосан чоп учун тавсия этилган (баённома №3).

Сулайманов О.Р. Иқтисодий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари / Ўқув-услугий қўлланма. Масъул муҳаррир ю.ф.н., доцент М.А.Тиллабоев. – Тошкент. ЮМОМ нашриёти. 2017. –40 б.

Масъул муҳаррир: юридик фанлар номзоди, доцент **М.А.Тиллабоев**

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор **И.Насриев**;
Юристар малакасини ошириш маркази Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, юридик фанлар доктори **Б.Исмоилов**.

Муҳаррир: **Р.С.Қосимов**

Мазкур ўқув-услугий қўлланмада Юристар малакасини ошириш марказида иқтисодий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқитиладиган ўқув курсининг асосий мавзулари ХПКдан кўчирмалар ёрдамида ҳам ёритишга ҳаракат қилинган, шунингдек саволлар ва тест саволлари берилган.

Иқтисодий ишлар бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар, шу жумладан судьялар учун ҳам мўлжалланган мазкур ўқув-услугий қўлланма амалий машғулотларни Юристар малакасини ошириш маркази ҳамда юридик олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан ўқитишнинг интерфаол усулларида самарали фойдаланган ҳолда қизиқарли ўтказишга ёрдам беради. Ўқув-услугий қўлланмадаги саволлар ҳамда тест саволлари ёрдамида ҳар бир тингловчи ўқув курси бўйича билим савияси ҳамда даражасини синаб кўради ва ўқув курси бўйича олган шу орқали билимларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

© Сулайманов О.Р., 2017 й.

© Юристар малакасини ошириш маркази, 2017 й.

Мундарижа

1. Кириш.....	5
2. Иқтисодий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий базаси.....	7
3. Чет давлат суди ва ҳакамлик тушунчалари мазмуни.....	8
4. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорларининг Ўзбекистон Республикасида тан олиниши ва ижроси.....	8
5. Киев Битими бўйича ваколатли суд бу.....	8
6. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишда қўлланиладиган қонун ҳақида.....	9
7. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида хабардор қилиш.....	9
8. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномада кўрсатилиши лозим бўлган ҳолатлар.....	10
9. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани иш юритишга қабул қилиш.....	10
10. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини кўриш тартиби.....	11
11. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида илтимоснома бериш билан боғлиқ суд харажатлари.....	12
12. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги.....	12
13. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўрмасдан қолдириш мумкин эмаслиги.....	13
14. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишларни кўриш якуни бўйича қабул қилинадиган ҳужжат ва ижро варақаси.....	14
15. Ижро варақасининг мажбурий ижро этиш учун топширилиш муддати.....	18
16. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан шикоят қилиш масаласи.....	19
17. Чет давлат ҳакамлик қарорини кўриб чиқиш тартиби.....	19
18. Ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш асослари.....	21

19. Чет давлат судининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларнинг иқтисодий судларига тааллуқлилиги.....	21
20. Икки ва кўп томонлама шартномалар коллизияси юзага келганда қўлланиладиган норма.....	23
21. Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани ваколатли судга бериш тартиби.....	23
22. Чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар.....	25
23. Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад қилиш.....	26
24. Чет давлат суди қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этишга асос бўладиган ҳолатлар.....	26
25. Чет давлат судининг ажримини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқиш тартиби.....	27
26. Чет давлат судининг ажримини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиладиганда қўлланиладиган қонунчилик.....	27
27. Иқтисодий судлар томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш.....	28
28. Суд топшириқлари ижро этилмайдиган ҳоллар.....	29
29. Чет давлат суди топшириғини кўриб чиқиш тартиби.....	29
30. Иқтисодий судларга суд ҳакамликлар топшириғи юбориши мумкин эмаслиги.....	30
31. Иқтисодий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича тест саволлари.....	31
32. Тавсия этиладиган адабиётлар.....	35

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимаси ва 17-моддасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги мустаҳкамланган. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти эканлиги хусусан ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама халқаро шартномаларнинг имзоланиши ва ҳамкорликнинг ривожланишида яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси - республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир¹. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат ташкилотлари ва муассасалари шартнома бўйича Ўзбекистон томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ташкилотлар ва муассасалар ходимларидан мамлакатимиз иштирок этадиган халқаро шартномаларнинг мазмун-моҳияти билан мунтазам равишда танишиб бориш, уларни чуқур ўрганиш ва амалиётда самарали қўллашни талаб қилади.

Иқтисодий ишлар бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар, шу жумладан судьялар ўзларининг амалий фаолиятларида халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалаларига тўқнаш келадилар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2012 йил 25 майдаги 6-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш тўғрисидаги ишларнинг хўжалик судлари томонидан кўрилишида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2013 йил 24 майдаги 248-сонли қарорлари муҳим ҳужжатлардан ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатларда фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик давлатлар томонидан мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ифодаланади.

Давлатлараро муносабатларда фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш деганда, бир давлатнинг ваколатли органи

¹ “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. №12, – 262-модда.

томонидан бошқа (хорижий) давлатнинг шундай органи топшириғи бўйича айрим процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатларни бажарилиши тушунилади.

Фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларига асосан амалга оширилиши белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги 6-сон қарори 17-бандида жумладан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказига судьялар ва суд ходимлари учун ўқув жараёнини ташкил этишда, судлар фаолиятида халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллашга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилган.

Мазкур ўқув-услугий қўлланмада халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ асосий тушунчалар, мавзуга оид мухтасар баён, саволлар, тест саволлари, тавсия этиладиган адабиётлар келтирилган.

1. Иқтисодий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий базаси

Иқтисодий судлар чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш тўғрисидаги ишларни кўришда Нью-Йорк шаҳрида 1958 йил 10 июнда имзоланган "Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида"ги конвенцияга, Киев шаҳрида 1992 йил 20 мартда имзоланган "Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги битимга, Минск шаҳрида 1993 йил 22 январда имзоланган "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги конвенцияга, Гаага шаҳрида 1954 йил 1 мартда имзоланган "Фуқаролик процесси масалаларига доир конвенция"га ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама халқаро шартномалари, масалан, Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномага (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь, 2013 йил 11 августдан кучга кирган) асосланади.

Савол ўрнида

1. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга доир халқаро шартномаларини санаб беринг.

2. Нью-Йорк шаҳрида 1958 йил 10 июнда имзоланган "Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида"ги конвенциянинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

3. Киев шаҳрида 1992 йил 20 мартда имзоланган "Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги битим мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

4. Минск шаҳрида 1993 йил 22 январда имзоланган "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги конвенция мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

5. Гаага шаҳрида 1954 йил 1 мартда имзоланган "Фуқаролик процесси масалаларига доир конвенция" мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

6. Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь, 2013 йил 11 августдан кучга кирган) мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

2. Чет давлат суди ва ҳакамлик тушунчалари мазмуни

Чет давлат суди деганда, суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органи, ҳакамлик деганда эса, нодавлат ташкилот - халқаро тижорат арбитражи тушунилади.

Саволлар

1. Чет давлат суди деганда қандай суд тушунилади?
2. Ҳакамлик деганда қандай суд тушунилади?

3. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорларининг Ўзбекистон Республикасида тан олинishi ва ижроси

Чет давлат суди ёки ҳакамликнинг иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган низолар ва бошқа ишлар юзасидан қабул қилган қарорлари Ўзбекистон Республикасида, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва қонунларида бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш назарда тутилган бўлса, тан олинishi ва ижрога қаратилиши мумкин.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қонуний кучга кирган суд ҳужжатиғина тан олинishi ва ижрога қаратилиши мумкин.

Чет давлат судининг илтимосномаси бўйича бошқа процессуал ҳаракатлар (ашёвий далилларни текшириш, тарафларни эшитиш ва бошқалар) суд топшириғини ижро этиш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

Савол ўрнида

1. Ўзбекистон Республикасида чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорларининг тан олинishi ва ижро этилишини тушунтириб беринг.

2. Чет давлат судининг илтимосномаси бўйича суд топшириғи ижро этилишини тушунтириб беринг.

4. Киев Битими бўйича ваколатли суд деганда қандай суд тушунилади?

Киев Битимининг 4-моддасида назарда тутилишича, ваколатли суд деганда, қарори бошқа аҳдлашувчи тараф ҳудудида ижрога қаратилиши лозим бўлган, мазкур Битимнинг 4-моддаси қоидаларига мувофиқ низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган аҳдлашувчи тарафнинг суди тушунилади. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий судлар шундай судлар ҳисобланади.

Савол Киев Битими бўйича ваколатли суд деганда қандай суд тушунилади?

5. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишда қўлланиладиган қонун ҳақида

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш билан боғлиқ ишлар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

Савол Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишда қайси қонун қўлланилади?

6. Хабардор қилиш

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ХПК 124-моддасида белгиланган тартибда хабардор қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “Хабарномалар ва чақирувлар” деб номланган 124-моддасида шундай дейилган:

“Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилинади.

Процесснинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрими билан, зарур ҳолларда чақирув қозғалари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва чақирилади”.

Савол Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда ишда иштирок этувчи шахслар қандай хабардор этилади?

7. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномада кўрсатилиши лозим бўлган ҳолатлар

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ёзма шаклда берилади ва ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши керак.

Илтимосномада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- 1) илтимоснома берилётган иқтисодий судининг номи;
- 2) чет давлат судининг номи ва жойлашган жойи ёки арбитражнинг номи ва таркиби, унинг жойлашган жойи;
- 3) ундирувчининг номи, унинг жойлашган жойи ёки турар жойи;
- 4) қарздорнинг номи, унинг жойлашган жойи ёки турар жойи;
- 5) ундирувчи тан олиш ва ижрога қаратишни илтимос қилаётган чет давлат суди ёки ҳакамлик қарори ҳақидаги маълумотлар;
- 6) ундирувчининг талаби;
- 7) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномада ундирувчининг ёки унинг вакилининг телефон, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар халқаро шартномаларда кўрсатилган тилда баён этилиши керак.

Савол
Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномада нималар кўрсатилиши лозим?

8. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани иш юритишга қабул қилиш

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома, шунингдек чет давлат судининг топшириғи суд томонидан ХПКнинг 16-бобида белгиланган тартибда иш юритишга қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ” деб номланган 16-боби билан танишамиз:

122-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари

Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишда иштирок этиши учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиши масаласини кўриб чиқади;

2) ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қилади;

3) ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади;

4) далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йўл қўйилиши мумкинлигини текширади;

5) гувоҳларни чақиртиради;

6) экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади;

7) бошқа хўжалик судларига суд топшириқларини юборади;

8) ишда иштирок этувчи шахсларни чақиртиради;

9) тарафларни мурасага келтириши чораларини кўради;

10) ишда иштирок этувчи ташилотлар раҳбарларини тушунтириши бериши учун чақириши масаласини ҳал қилади;

11) даъвони таъминлаш чораларини кўради.

Судья низони тўғри ва ўз вақтида ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

123-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

124-модда. Хабарномалар ва чақирувлар

Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилинади.

Процесснинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрими билан, зарур ҳолларда чақирув қозғолари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва чақирилади.

Савол
Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани иш юритишга қабул қилиш тартиби ҳақида нималар дея оласиз?

9. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини кўриш тартиби

Иқтисодий суд чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини мазмунан қайта кўришга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳақли эмас.

Агар чет давлат суди ёки ҳакамлик қарори қисман ижро этилган бўлса, суд бундай ҳолда чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорининг ижро этилмаган қисмига ижро варақаси беради.

Савол
Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини кўриш тартиби қандай?

10. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида илтимоснома бериш билан боғлиқ суд харажатлари

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун давлат божи ундирилмайди, бироқ ХПКда белгиланган бошқа суд харажатлари тўланиши (ундирилиши) лозим.

Саволлар
1. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун давлат божи ундириладими?

2. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида илтимоснома бериш билан боғлиқ суд харажатлари ундириладими?

11. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки жойлашган жойдаги иқтисодий суд томонидан кўрилади.

Савол
Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар қайси суд судловига тегишли?

12. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўрмасдан қолдириш мумкин эмаслиги

Судлар чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ХПК 88-моддасининг 6-бандида белгиланган асослар бўйича кўрмасдан қолдирилиши мумкин эмаслигини инобатга олишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “Даъвони кўрмасдан қолдириш асослари” деб номланган 88-моддасида шундай дейилган:

“Хўжалик суди қўйидаги ҳолларда даъвони кўрмасдан қолдиради:

1) умумий суд, хўжалик суди, ҳакамлик суди айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлик судига кўриш учун топишириш тўғрисидаги келишуви бўлиб, ҳакамлик судига мурожаат қилиш имконияти йўқолмаган бўлса ва агар ишнинг хўжалик судида кўрилишига қарши бўлган жавобгар биринчи аризасидан кечиктирмай низони мазмунан ҳал этишни ҳакамлик судига топишириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилса;

3) даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан, ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

4) қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали ундириб олинishi шарт бўлишига қарамай даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банк ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат этмаган бўлса;

5) даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

6) даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишига розилик бермаган бўлса;

7) давлат рўйхатидан ўтишни рад этиш ёки ундан бош тортиш тўғрисидаги ариза кўриляётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса;

8) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза кўриляётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса;

9) даъвогар унинг манфаатларини кўзлаб прокурор томонидан тақдим этилган даъводан воз кечган бўлса.

Савол
Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўрмасдан қолдириш мумкинми?

13. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишларни кўриш яқуни бўйича қабул қилинадиган ҳужжат ва ижро варақаси

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишларни кўриш яқуни юзасидан ХПКнинг 18-бобида ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун белгиланган қоидалар бўйича ажрим чиқарилади ва унинг асосида дарҳол ижро варақаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ” деб номланган 18-бобини муфассал тарзда кўриб чиқамиз:

“135-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш

Хўжалик суди низони мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қилади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллар билангина асослайди.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида ишни кўриш тугагандан кейин алоҳида хонада қабул қилинади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида хонада ишни кўраётган хўжалик суди таркибига кирувчи судьяларгина бўлиши мумкин.

Ишни ҳайъатда кўрганда хўжалик судининг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

136-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

- 1) далилларга баҳо беради;*
- 2) иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;*
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;*
- 4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;*
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини аниқлайди;*
- б) даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.*

Хўжалик суди маслаҳат вақтида далилларни қўшимча равишда текширишни ёки иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, ишни кўришни янгидан бошлайди.

137-модда. Ҳал қилув қарорининг баёни

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган судьялар таркибидаги бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судьялар томонидан имзоланади.

138-модда. Ҳал қилув қарорининг мазмуни

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номи билан қабул қилади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулоҳазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача баёни ифодаланиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган ваз, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишида таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим.

Ишда бир неча даъвогар ва жавобгар иштирок этаётган бўлса, қарорда низо улардан ҳар бирига нисбатан қандай ҳал қилингани кўрсатилади.

Дастлабки даъвони ва қарши даъвони тўла ёки қисман қаноатлантирганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг қандай тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Агар хўжалик суди ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгиласа ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрса, бу тўғрида ҳал қилув қароридан кўрсатилади.

139-модда. Пул маблағларини ва мол-мулкни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Хўжалик суди пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъвони қаноатлантирганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ундириладиган сумманинг умумий миқдорини асосий қарзни, зарарларни, неустойкани (жарима ва пеняни) алоҳида-алоҳида аниқлаган ҳолда кўрсатади.

Хўжалик суди мол-мулкни ундириб берганида топширилиши лозим бўлган мол-мулкнинг номи, унинг қиймати ва турган жойини кўрсатади.

140-модда. Ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топилган тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Ижро ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда, шу жумладан нотариуснинг ижро ёзуви асосида, амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро

этишига тегишли эмас деб топиши тўғрисидаги низо бўйича даъво қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ижро этишига тегишли бўлмаган ҳужжатнинг номи, тартиб рақами ва санаси ҳамда ҳисобдан ўчирилмайдиган сумма кўрсатилади.

141-модда. Шартнома тузиши ёки уни ўзгартириши тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Шартнома тузиши ёки уни ўзгартириши вақтида келиб чиққан низо бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шартноманинг ҳар бир низоли шарти бўйича қабул қилинган қарор кўрсатилади, шартнома тузишига мажбурлаш тўғрисидаги низо бўйича эса тарафлар қандай шартларда шартнома тузишига мажбурлиги кўрсатилади.

142-модда. Жавобгарга муайян ҳаракатларни бажариши мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори

Жавобгар зиммасига мол-мулкни бериши ёки пул суммасини ундириши билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариши мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилинганда хўжалик суди унинг хулоса қисмида шу ҳаракатларни ким, қаерда, қачон ёки қайси давр мобайнида бажариши шартлигини кўрсатади.

Зарурат бўлганда хўжалик суди, агар жавобгар ҳал қилув қарорини бажармаса, даъвогар тегишли ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан бажариб, зарур харажатларни ундириб олишига ҳақли эканлигини кўрсатиши мумкин.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарорида у ижро этилиши лозим бўлган муддатни белгилаб қўяди.

143-модда. Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариши органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиши тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори

Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариши органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиши тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар акс этиши керак:

1) ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳужжатни тўла ёки унинг маълум қисмини ҳақиқий эмас деб топиши ёхуд аризачининг талабини тўла ёки унинг маълум қисмини рад этиши тўғрисидаги кўрсатма;

3) қабул қилинган ҳужжат туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма, шундай талаблар мавжуд бўлган тақдирда.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни ёки рўйхатдан ўтказишдан бош тортишни ноқонуний деб топиши тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганида хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тегишли давлат органига шундай рўйхатдан ўтказиши мажбуриятини юклайди.

144-модда. Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги аризани қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорида аниқланган факт баён қилиниши керак.

Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишли органлар томонидан шундай фактни қайд этиши учун ёки аниқланган факт муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқларни расмийлаштириши учун асос бўлади.

145-модда. Ҳал қилув қарорини эълон қилиш

Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин иш кўрилган мажлиснинг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлиснинг ўзида эълон қилинади. Айни бир вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини эълон қилади.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўшиб қўйилиши лозим.

Мажлисда раислик қилувчи хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб беради.

146-модда. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикояти берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтдан қонуний кучга киради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

147-модда. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари бўйича ушбу Кодекснинг 7-бобида белгиланган қоидалар асосида ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларини кўради.

148-модда. Ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади, ушбу шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса, ҳал қилув қарори ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

149-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди қўидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилади:

1) ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;

2) суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

3) суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча қўйилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодекснинг 124-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади. Тегшли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлиги масалани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

150-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш

Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, низони ҳал қилган хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг ёки суд ижрочисининг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга, шунингдек ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан йўл қўйилган ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни, ҳал қилув қарорининг моҳиятига тегмаган ҳолда, тузатишга ҳақлидир.

Ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатоларни ёки ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Савол

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишларни кўриш якуни бўйича қандай ҳужжатлар қабул қилинади?

14. Мажбурий ижро этиш учун топширилиш муддати

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг иккинчи қисмига кўра чет эл суди ёки арбитражининг қарори асосида Ўзбекистон

Республикаси суди томонидан берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин.

Ана шу нормадан келиб чиқиб, судлар чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримга асосан берилган ижро варақасида чет давлат суди ёки ҳакамлик қарори қонуний кучга кирган санани кўрсатишлари лозим.

Савол
Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримга асосан берилган ижро варақасининг мажбурий ижро учун топширилиш муддати қанча?

15. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан шикоят қилиш масаласи

Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан ХПКда белгиланган тартиб ва муддатларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Чет давлат судининг топшириғини ижро этиш билан боғлиқ ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан шикоят қилинмайди (протест келтирилмайди).

Саволлар
1. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан шикоят қилиш мумкинми?

2. Чет давлат судининг топшириғини ижро этиш билан боғлиқ ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан шикоят қилиш мумкинми?

16. Чет давлат ҳакамлик қарорини кўриб чиқиш тартиби

Чет давлат ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар иқтисодий судлар томонидан Нью-Йорк Конвенцияси асосида кўриб чиқилади.

Нью-Йорк Конвенциясининг 4-моддасига кўра ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган тараф илтимоснома беришда тегишли тартибда тасдиқланган ҳакамлик қарори ва ҳакамлик келишувининг асл ёки тегишли тартибда тасдиқланган нусхаларини тақдим этади. Агар ҳакамлик қарори ва келишув расмий (ўзбек) тилида баён этилмаган бўлса, ушбу қарорни тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган тараф бу ҳужжатларнинг расмий тилдаги таржимасини тақдим қилади. Таржима расмий ёки қасамёд қилган таржимон, дипломатик ёхуд консуллик муассасаси томонидан тасдиқланади.

Ушбу талабларга риоя қилинмасдан берилган илтимоснома ХПКнинг 118-моддасига мос ҳолда қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “Даъво аризасини қайтариш” деб номланган 118-моддасида бундай дейилган:

“Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) даъво аризасининг ушбу Кодекснинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

3) иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

4) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божги тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божги тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

6) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Судья даъво аризасини қайтариш тўғрисида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган куни берилган деб ҳисобланади.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган хатолар бартараф этилгандан кейин иккинчи марта хўжалик судига умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди”.

Савол Чет давлат ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларнинг иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши тартиби қандай?

17. Ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш асослари

Ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш Нью-Йорк Конвенциясининг 5-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина рад этилиши мумкин.

Бунда шуни ҳам назарда тутиш керакки, ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни Нью-Йорк Конвенцияси 5-моддасининг 1-банди асосида рад этишга ушбу бандда кўрсатилган ҳолатларни исботловчи далиллар бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади. Ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни Нью-Йорк Конвенцияси 5-моддасининг 2-банди асосида рад этишга, судга ҳар қандай далиллар тақдим этилганлигидан қатъи назар, йўл қўйилади.

Савол Ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш асосларини биласизми?

18. Чет давлат судининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларнинг иқтисодий судларга тааллуқлилиги

Иқтисодий судларда чет давлат судининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар Киев Битими, Минск Конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан чет давлатлар ўртасида тузилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида кўриб чиқилади. Бунда Киев Битими, Минск Конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалари уларнинг иштирокчиси бўлган давлатларнинг суд ҳужжатларига нисбатан қўлланилиши инобатга олинishi лозим.

Агар Киев Битими ёки Минск Конвенцияси иштирокчиси бўлмаган ёхуд Ўзбекистон Республикаси билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузмаган чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида илтимоснома берилган бўлса, бундай илтимосномани қабул қилиш ХПК 117-моддасининг 1-банди асосида рад этилади. Агар кўрсатилган ҳолат илтимоснома иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқлангудек бўлса, иш бўйича иш юритиш ХПК 86-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш” деб номланган 117-моддасида бундай дейилган:

“Судья даъво аризасини қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади:

- 1) низо хўжалик судида кўриб чиқишига тегишли бўлмаса;*
- 2) айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан ишни юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса;*
- 3) хўжалик судининг, умумий суднинг, ҳакамлик судининг иш юритишида айна бир шахслар ўртасида, айна бир предмет тўғрисида ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;*
- 4) айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлик судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлик судига янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлик судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.*

Судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан юборилади. Даъвогарга юборилаётган ажримга даъво материаллари илова қилинади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган деб ҳисобланади”.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “Иш юритишни тугатиш асослари” деб номланган 86-моддасида қуйидагича баён этилган:

“Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади:

- 1) низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса;*
- 2) умумий суд, хўжалик судининг айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса;*
- 3) ҳакамлик судининг айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув*

қарори бўлса, ҳакамлик судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиши юзасидан хўжалик суди ижро варақасини беришни рад этган, ишни янгидан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судига юборган, лекин ишни ўша ҳакамлик судида кўриш мумкин бўлмай қолган ҳоллар бундан мустасно;

4) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташилот тугатилган бўлса;

5) ишда иштирок этган шахс бўлмиш фуқаронинг ўлиmidан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

6) даъвогар даъвосидан воз кечган ва хўжалик суди уни қабул қилган бўлса;

7) келишув битими тузилиб, у хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса;

8) даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса”.

Савол
Чет давлат судининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар қайси суд судловига тааллуқли бўлади?

19. Икки ва кўп томонлама шартномалар коллизияси юзага келганда қўлланиладиган норма

Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида икки томонлама шартнома имзолаган давлат, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги кўп томонлама шартноманинг ҳам иштирокчиси бўлса, суд чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишни кўриб чиқишда икки томонлама шартноманинг қоидаларини, мазкур шартнома билан тартибга солилмаган ҳуқуқий муносабатлар қисми бўйича эса ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги кўп томонлама шартнома қоидаларини қўллайди.

Савол
Икки ва кўп томонлама шартномалар коллизияси юзага келганда қайси норма қўлланилади?

20. Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани ваколатли судга бериш тартиби

Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ваколатли судга фақат ундирувчи (манфаатдор шахс) томонидан берилиши мумкин. Бошқа шахслар томонидан берилган илтимоснома ХПК 118-моддасининг 2-бандига мос ҳолда қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “Даъво аризасини қайтариш” деб номланган 118-моддасида бундай дейилган:

“Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қўйидаги ҳолларда қайтаради:

1) даъво аризасининг ушбу Кодекснинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

3) иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

4) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божги тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божги тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

6) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Судья даъво аризасини қайтариш тўғрисида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кунни берилган деб ҳисобланади.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган хатолар бартараф этилгандан кейин иккинчи марта хўжалик судига умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди”.

Савол

Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ваколатли судга ким томонидан берилади?

21. Чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар

Чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномага Киев Битими 8-моддасининг иккинчи қисмида, Минск Конвенцияси 53-моддасининг иккинчи қисмида ёки Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши шартлигига судлар алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Хусусан, чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

- чет давлат суди қарорининг тегишли равишда тасдиқланган нусхаси;
- агар қарорнинг ўзида қонуний кучга кирганлиги кўрсатилмаган бўлса, унинг қонуний кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- суд мажлисида иштирок этмаган, лекин унга қарши қарор қабул қилинган тарафнинг судга тегишли тарзда ва ўз вақтида чақирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- илтимоснома киритган шахснинг имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;
- илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари қарздорга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- ишларнинг тарафлар ўртасидаги шартнома бўйича судловга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат.

Агар чет давлат суди қарорининг тан олиниши ва ижрога қаратилиши Киев Битими ёки Минск Конвенцияси асосида сўралаётган бўлса, илтимосномага илова қилинаётган ҳужжатлар тан олиниши сўралаётган давлат тили ёки рус тилига қилинган таржимаси билан бирга тасдиқланган ҳолда тақдим этилади.

Агар чет давлат суди қарорининг тан олиниши ва ижрога қаратилиши Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномаси асосида сўралаётган бўлса, илтимосномага илова қилинаётган ҳужжатлар ушбу шартномада белгиланган тилда баён этилиши лозим.

Ушбу талабга риоя қилинмасдан берилган илтимоснома ХПКнинг 118-моддасига мос ҳолда қайтарилади.

Савол

Чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномага қандай ҳужжатлар илова қилинади?

22. Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад қилиш

Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш Киев Битимининг 9-моддасида, Минск Конвенциясининг 55-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномаларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина рад этилиши мумкинлигини судлар эътибор марказида тутсинлар. Бунда мазкур халқаро шартномаларда чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланиши инобатга олиниши лозим.

Савол

Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш қайси ҳолларда рад қилинади?

23. Чет давлат суди қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этишга асос бўладиган ҳолатлар

Киев Битими ёки Минск Конвенциясига мувофиқ қуйидаги ҳолатлар чет давлат суди қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этишга асос бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судининг айна бир шахслар ўртасида, айна бир предмет тўғрисида ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қарори бўлса;

- МДХга аъзо - учинчи давлат ёки МДХ аъзоси бўлмаган давлат ваколатли судининг айна бир шахслар ўртасида, айна бир предмет тўғрисида ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан тан олинган қарори бўлса;

- низо ваколатсиз суд томонидан ҳал қилинган бўлса;

- бошқа тараф суд мажлиси тўғрисида хабардор қилинмаган бўлса;

- қарорни мажбурий ижрога тақдим этиш учун уч йиллик муддат ўтган бўлса.

Агар чет давлат суди қарорининг тан олиниши ва ижрога қаратилиши Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги халқаро шартномаси асосида сўралаётган бўлса, қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш мазкур шартномада назарда тутилган асослар бўйича рад этилади.

Савол
Киев Битими ёки Минск Конвенциясига мувофиқ қайси ҳолатлар чет давлат суди қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этишга асос бўлади?

24. Чет давлат судининг ажримини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш тартиби

Чет давлат судининг ажримини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

Иқтисодий судлар чет давлат судлари топшириғини ижро этиш ҳақидаги ишларни Киев Битими, Минск ва Гаага Конвенциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан чет давлатлар ўртасида тузилган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида кўриб чиқади.

Савол
Чет давлат судининг ажримини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш тартиби ҳақида фикрингиз қандай?

25. Чет давлат судининг ажримини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқлаётганда қўлланиладиган қонунчилик

Киев Битимининг 5-моддасига асосан ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ёрдам сўралаётган ваколатли судлар ва бошқа органлар ўз давлатининг қонун ҳужжатларини қўллайдилар. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилинганда шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ХПКнинг 123-моддасига асосан ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилиб, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади. Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ХПК 124-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 123 ва 124-моддалари шундай дейилган:

“123-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

124-модда. Хабарномалар ва чақирувлар

Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилинади.

Процесснинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрими билан, зарур ҳолларда чақирув қоғозлари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва чақирилади”.

Савол
Чет давлат судининг ажримини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқиляётганда қайси давлат қонунчилиги қўлланилади?

26. Иқтисодий судлар томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш

Иқтисодий суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ХПКда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иқтисодий суд ХПКнинг 226-моддасига мувофиқ айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида чет давлат судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган тартибда ўзига берилган топшириқларни (чақирув қоғозларини ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойни кўздан кечириш ва бошқаларни) ижро этади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг “Суд топшириқлари” деб номланган 226-моддасига мурожияат этамиз:

“Хўжалик суди айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида чет давлатлар судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган тартибда ўзига берилган топшириқларни (чақирув

қозғаларини ва бошқа ҳужжатларни топшириши, ёзма далиллар олиши, экспертиза ўтказиши, жойни кўздан кечириши ва бошқаларни) ижро этади.

Топшириқ қуйидаги ҳолларда ижро этилмайди:

1) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиш хўжалик судининг ваколатига кирмаса.

Хўжалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжалик судлари чет давлатларнинг судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлар билан белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин”.

Савол

Иқтисодий суд томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисида нималарни биласиз?

27. Суд топшириқлари ижро этилмайдиган ҳоллар:

- топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлган ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солган тақдирда;

- топшириқни ижро этиш иқтисодий суднинг ваколатига кирмаган тақдирда, суд топшириқлари ижро этилмайди.

Савол

Суд топшириқлари қайси ҳолларда ижро этилмайди?

28. Чет давлат суди топшириғини кўриб чиқиш тартиби

Чет давлат суди топшириғи билан боғлиқ ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади, ажрим мазкур топшириқ ижро этилишини халқаро шартномаларда назарда тутилган тартибда сўраётган тарафга жўнатилади.

Чет давлат суди топшириғи ижро этилганда, ажримга ижрони тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Чет давлат суди топшириғи ижро этилмаган тақдирда, ажримда унинг ижро этилмаганлиги сабаблари кўрсатилади.

Судлар, агар суд топшириғи Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома имзоламаган, бироқ Гаага

Конвенцияси иштирокчиси бўлган давлатдан келиб тушган бўлса, чет давлат судининг топшириғи кўриб чиқиш учун қабул қилиниши шартлигини инобатга олишлари лозим, чунки Гаага Конвенцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги Қарори билан ратификация қилинган.

Савол Чет давлат суди топшириғи қандай тартибда кўриб чиқилади?

29. Ҳакамликлар иқтисодий судларга суд топшириғи юбориши мумкин эмаслиги

Ҳакамликлар иқтисодий судларига суд топшириғи (экспертиза ўтказиш, тарафларни эшитиш, гувоҳлар, экспертлар ва ҳакамлик муҳокамасининг бошқа иштирокчиларини сўроқ қилиш) беришга ҳақли эмаслар.

Агар бундай топшириқ тақдим этилган бўлса, уни қабул қилиш ХПК 117-моддасининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади. Агар мазкур ҳолат топшириқ иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, иш бўйича иш юритиш ХПК 86-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади.

Савол Ҳакамликлар иқтисодий судларга суд топшириғи юбориши мумкинми?

30. Иқтисодий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорларининг Ўзбекистон Республикасида, башарти, бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва қонунларида назарда тутилган бўлса, тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкинми?

- А. Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган, қонуний кучга кирган суд ҳужжатигина тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкин;
- Б. Бундай қарорлар тан олинмайди ва ижро қилинмайди;
- В. Ўзбекистон Республикаси ХПК нормаларида бундай қарорларни тан олиш ва ижро қилиш механизми кўрсатилмаган;
- Г. Б ва В жавоблар тўғри.

2. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш билан боғлиқ ишларни кўришда қайси давлат қонунчилиги қўлланилади?

- А. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг ХПК қоидалари бўйича кўриб чиқилади;
- Б. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани юбораётган давлат қонунчилиги қўлланилади;
- В. Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро шартнома қоидалари қўлланилади;
- Г. Ҳеч бир давлат қонунчилиги қўлланилмайди.

3. Иқтисодий суд чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини мазмунан қайта кўришга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳақлими?

- А. Ҳақли;
- Б. Ҳақли эмас;
- В. Вазиятга қараб;
- Г. Чет давлат суди қарорини мазмунан қайта кўришга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳақли, ҳакамлик қарорини мазмунан қайта кўришга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга эса ҳақли эмас.

4. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун давлат божи ва бошқа суд харажатлари ундириладими?

- А. Давлат божи ҳам, суд харажатлари ҳам ундирилмайди;
- Б. Давлат божи ундирилади, бироқ ХПКда белгиланган бошқа суд харажатлари ундирилмайди;
- В. Давлат божи ундирилмайди, бироқ ХПКда белгиланган бошқа суд харажатлари ундирилиши лозим;
- Г. Давлат божи ҳам, суд харажатлари ҳам ундирилади.

5. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар қайси суд судловига тааллуқли бўлади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тааллуқли;
- Б. Иш қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки жойлашган жойдаги иқтисодий суд томонидан кўрилади;
- В. Бу каби ишлар Ўзбекистон Республикасида судловга тааллуқли эмас;
- Г. Киев Битими бўйича иқтисодий суд судловига тааллуқли.

6. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишларни кўриш яқуни бўйича қандай процессуал ҳужжат қабул қилинади?

- А. Қарор;
- Б. Буйруқ;
- В. Ажрим;
- Г. Ҳал қилув қарори.

7. Чет эл суди ёки арбитражининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси суди томонидан берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан қанча муддатда мажбурий ижро учун топширилиши мумкин?

- А. Уч йил ичида;
- Б. Бир йил ичида;
- В. Бир ой ичида;
- Г. ХПКда кўрсатилган муддатларда.

8. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан шикоят қилиш мумкинми?

- А. Мумкин эмас;
- Б. Мумкин;
- В. Халқаро шартномада кўрсатилган талаблар бажарилмаганда мумкин эмас;
- Г. Прокурорга боғлиқ.

9. Чет давлат судининг топшириғини ижро этиш билан боғлиқ ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан шикоят қилиш мумкинми?

- А. Халқаро шартномада кўрсатилган талаблар бажарилмаганда мумкин;
- Б. Мумкин;
- В. Мумкин эмас;
- Г. Прокурорга боғлиқ.

10. Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш қайси ҳолларда рад қилинади?

- А. Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик алоқа қилмаган давлатдан илтимоснома келиб тушганди;
- Б. Бу каби илтимосномалар рад қилинмайди;
- В. Киев Битимининг 9-моддасида, Минск Конвенциясининг 55-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномаларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина рад этилиши мумкин;
- Г. Барча жавоблар тўғри.

11. Суд топшириқлари қайси ҳолларда ижро этилмайди?

- А. Топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солса;
- Б. Топшириқни ижро этиш иқтисодий суднинг ваколатига кирмаса;
- В. А ва Б;
- Г. Барча жавоблар нотўғри.

12. Ҳакамликлар иқтисодий судларга суд топшириғи юбориши мумкинми?

- А. Мумкин;
- Б. Мумкин эмас;
- В. Топшириқ Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлмаса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солмаса, мумкин;
- Г. Топшириқни ижро этиш иқтисодий суднинг ваколатига кирса мумкин.

13. Қайси турдаги ҳужжатларга апостиль қўйилмайди?

- А. Чет элда, Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ёки консуллик муассасалари томонидан берилган ҳужжатларга;
- Б. Тижорат ёки божхона операцияларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган ҳужжатларга;
- В. Паспортга, ҳарбий билетга;
- Г. Юқоридаги барча ҳужжатларга.

14. Ўзбекистон Республикасида қайси органлар апостиль қўя олади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — судлар, адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси — прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;
- В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази — фан ва таълим соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;
- Г. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги — бошқа барча расмий ҳужжатларга;
- Д. Барча жавоблар тўғри.

15. Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Минск конвенциясига асосан фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам Ўзбекистонда қайси орган орқали амалга оширилади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- В. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;
- Г. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

Халқаро шартномалар тўпламлари, луғатлар, маълумотномалар

1. Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Ўзб. нашр. масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. -240 б.
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. Тўпам. – масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2004. – 212 б.
3. Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам Минск, 22 января 1993 г. //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
4. Права человека: сборник международных документов. Варшава.: Хельсинский фонд по правам человека. 2002. 458 с.
5. “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1995. –12 сон. – 175-187.
6. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2011 йил 16 декабрь,ЎРҚ-309-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 511-модда.
7. Действующее международное право. Избранные документы, Мос.гос.ин-т меж.отношений (ун-т) МИД России, кафедра международного права, А.В.Кукушкина, А.С.Юхно. -М.: МГИМО Университет, 2014, -562.
8. Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномалар тўплами. О.Сулайманов.- Т.: ЮМОМ. 2017. 524 б.
9. Халқаро ҳуқуққа оид атама ва тушунчаларнинг глоссарийси. Л.Саидова, О.Сулайманов. -Т.:ЮМОМ. 2016. 262 б.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015. -356 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат,

2015. -272 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015 й.- 424 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015.- 736 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. 1-2-сон, 10-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 169-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2006 й. 42-сон, 416-модда.

9. “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2012 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги 2010 йил 28 сентябрда қабул қилинган Қонуни. //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленумларининг қарорлари

1. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. 2012 йил 25 май, 06-сон. //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

2. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш тўғрисидаги ишларнинг ҳўжалик судлари томонидан кўрилишида қонун ҳужжатларини қўллашнинг

айрим масалалари хақида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг Қарори. 24.05.2013 й. 248 сон. //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Дарслиқлар ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар

1. Гафуров А.Б., Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Baktria Press, 2012. -296 б.
2. Гафуров А.Б., Тиллабаев М.А., Саидова Л.А., Исмаилов Б.И. Права человека и справедливое судопроизводство -Т.: Baktria Press, 2014 г. 284 б.
3. Судебные органы зарубежных стран. Пособие /Отв. ред. А.Б.Гафуров. – Т.: Baktria press. 2014. 240 с.
4. Мўминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслиқ. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов - Т.: Адолат, 2013. 544 б.
5. Международные стандарты адвокатской деятельности. Пособие. /Отв. ред. А.Гафуров. – Т.: Baktria press. 2014, 240 с.
6. Умарханова Д.Ш. Экстрадиция бўйича халқаро – ҳуқуқий ҳамкорлик: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 142 Б.

Электрон манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси давлат сайти: www.gov.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари: www.press-service.uz/rus/knigi/
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати сайти: www.senate.gov.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази сайти: www.uzmarkaz.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти сайти: www.monitoring.uz
8. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.nhrc.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.gov.uz
10. БМТ сайти: www.un.org

11. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари сайти: www.ohchr.org
12. ЮНЕСКО сайти: www.unesco.org
13. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти сайти: www.osce.org
14. Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ бўйича Раул Валленберг институтининг веб сайти: www.rwi.lu.se
15. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди сайти: www.coe.int/T/R/Human_Rights_Court
16. Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссари сайти: www.coe.int/T/R/CommissionerHR
17. Бола ҳуқуқлари бўйича ресурс сайти: www.childrenrights.net
18. Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси сайти: www.icrc.org
19. Халқаро шартномалар сайти: www.untreaty.un.org.
20. Халқаро ҳуқуқ комиссияси сайти: www.un.org/law/ilc
21. БМТнинг Халқаро суди сайти: www.icj-cij.org
22. Халқаро жиноят суди сайти: <http://www.icc.int>

Одилжон Раббимович Сулайманов

**ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ
КЎРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

ўқув-услубий қўлланма

Босишга рухсат этилди: **16.09.2017.**
Босма табағи: **00**. Адади: 50 нусха. Буюртма: № **00**

Юристлар малакасини ошириш маркази нашриёти.
100029 Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 15